



BUXORO
ISLOM OLAMI MADANIYATI POYTAXTI
عاصمة للثقافة الإسلامية
— 2020 —



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLY VA O'RTA MAS'UN
TA'LIM VAZIRLIGI



BUXORO
DAVLAT
UNIVERSITETI
1950



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INNOVATSIYON RIVOJLANISH
VAZIRLIGI

BUXORONING JAHON MADANIYATIDAGI O`RNI

RESPUBLIKA MIQYOSIDAGI
ONLAYN ILMIIY-AMALIY
KONFERENSIYA

2020,
27-aprel

KONFERENSIYA
MATERIALLARI



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БУХОРО ТАРИХИ КАФЕДРАСИ

**“БУХОРОНИНГ ЖАҲОН
МАДАНИЯТИДАГИ ЎРНИ”**

*мавзусидаги Республика миқёсидаги онлайн илмий-амалий
анжуман*

МАТЕРИАЛЛАРИ

БУХОРО – 2020

Мы думаем, что в будущем необходимо организовать специальную экспедицию по проведению широкомасштабных археологических исследований в Бухаре и окружающих его крепостях. Налаживание постоянного сотрудничества с сотрудниками Археологического института АН Республики Узбекистан, иностранными учеными-археологами и местными специалистами в работе экспедиции позволит получить значительные результаты.

В 1993 году в целях решения проблем по консервации, реконструкции, сохранения до будущих поколений в качестве общечеловеческой собственности исторических памятников, другого материально-культурного наследия, исторический центр Бухара и Бухарская область были включены в список «Всемирного культурного и природного наследия ЮНЕСКО» (в настоящее время по всей области зарегистрировано 660 культурных объектов, а в исторической части Бухары существует 103 архитектурных памятника).

Если бы археологические исследования в Бухаре проводились широкомасштабно и на основе современных достижений науки, мы могли бы узнать историческую истину о возрасте города. Это открытие, в первую очередь, способствовало бы обогащению истории страны новыми фактами, пониманию глубины национально-культурного наследия, истории и ее корней, устойчивости исторического фундамента и светлого будущего, а также осознанию их сущности. Во-вторых, духовную поддержку нашему народу дают слова Президента страны: «Нам следует всегда гордиться своей богатой историей, великими предками. Наша история – это неиссякаемое сокровище и источник безграничной гордости для нас».

БУХОРО ВОҲАСИ МАРОСИМЛАРИ ВА УЛАРНИ ЎРГАНИЛИШИ БЎЙИЧА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

*Юсунова М.Ў
БухДУ катта ўқитувчиси*

Бухоро воҳасида олиб борилаётган дала тадқиқотлари натижасида Бухоро воҳаси аҳолиси томонидан маросимларнинг ўтказилиши, маросимларда пишириладиган таомларнинг пишириш усуллари, хусусиятлари, қўлланилиши, мифалогиси тўқ-рисида маълумотлар тўплашга киришилди. Бухоро воҳаси этнограф олимлари А.Ш.Жумаев, М.Б.Қурбоновлар ҳамкорлигида маросимларни ўрганиш борасида кенг қамровли ишлар йўлга қўйилди.

Ўзбек халқи азалдан тўй – томоша, байрамлар ошуфтаси бўлиб, бундай маросимлар азалдан ота – боболардан қолган. Фарзанди дунёга келган кундан бошлаб, тўйлар - тўйларга, маросимлар - маросимларга уланиб кетиши: соч олиш маросими, илк қадам қўйган кунида ўтказиладиган маросим (махалла болаларига кулча нон улашаш), бешик тўйи, суннат (хатна) тўйи маросими, мучал тўйи, никоҳ тўйи маросимлари ўтказилиши ва бу маросимларда ёру дўстларни чорлаб дастурхон ёзиб, элга

катта ош бериши бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмай ўтказилиб келинмоқда. Айниқса нуроний отахону, онахонларимизнинг дастурхон атрофида ўтириб, кўлларини дуога очиб, ёшларга узоқ умр, бахт –саодат тилаб “ Юртимизда тўйлар, байрамлар кўп бўлсин, ҳар биримизни тўйларга, байрамларга соғ-саломат етказсин!” дея дуо қилишлари бундай маросимларнинг файзига файз қўшади. Бундай тўйларнинг ўтказилишида халқимизнинг мардлик, ҳалоллик, бағрикенглик, ҳожатбарорлик каби хислатлари ўзининг ёрқин ифодасини топган бўлиб, биз буни, йиллар мобайнида йиғиб - териб элга тарқатишдан завқ-шавқ олишида, аъза ва йўқлов маросимларини уюшган ҳолда ўтказишда, бола туғилишидан тортиб то мотам маросимларимизгача бўлган барча маросим ва урф-одатларимизда, кенг жамоатчилик ва маҳалла аҳлининг доимо бош-қош бўлиши каби удумларимизда кузатамиз. Тўй бошлаб, қозон осиб, маросим таомларини пиширишга тайёргарлик кўриш учун маҳалланинг ёши улуғлари йиғилиб, “Оллоҳдан тўйни эсон – омон ўтишини, хонадонга файз барака беришини, ўтган ота –боболарнинг руҳи мададкор бўлишини” сўраб дуо қилишади ва маросим таоми пиширилади¹.

Тўй маросими ҳамisha шод хуррамлик, ёшлик, гўзаллик, келажакка яхши умид ва эзгу орзулар рамзи сифатида ўтказиладиган ажойиб оилавий байрамдир. Ғоят гўзал бўлган бу маросим барча хилдаги халқ санъати, ашула, рақс билан ўтказилади. У аслида, асрлар оша синовдан ўтган, моҳияти чуқур ўйланган, миллий асосда нишонланадиган маросим ҳисобланади, ҳар бир даврда такомиллашиб, муттасил бойиб келган. Никоҳ тўйлари, асосан, анъанавий удумларни сақлаган ҳолда янгича маросимга мувофиқ келин билан куёв ихтиёри, ота-оналарнинг розилиги, яқин қариндош ва дўсту биродарлар маслаҳати билан ўтказилади. Кўп жойларда ҳозиргача амал қилинадиган анъанавий “Фотиҳа оши”, “Сарпо юбориш”, “Маслаҳат оши”, “Қуда танишув”, “Ҳайитлик”, “Қизлар базми”, “Падар оши”, “Рахт урди” (тожикларда –“рахзанон”) сингари расм – русумлар ёки тўйдан кейин ўтказиладиган “юз очар (рўйбинон)”, “келин салом”, “чимилдиқ (жой) йиғди”, “келин кўрди”, “чаллар” ёки “куёв чақириқ” каби урф-одатлар, айниқса катта ва кичик тўйлар ниҳоятда дабдабали ўтказилади².

Албатта, анъанавий тўйларнинг ҳозиргача катта харажат талаб қиладиган, баъзан ўринсиз исрофгарчиликларга сабаб бўлган томонлари ҳам бор. Аммо ўзбекларнинг келин – куёв тўйлари ҳамisha шод – хуррамлик, ёшлик, гўзаллик, келажак тў ғрисидаги ёрқин умид ва эзгу орзулар байрами сифатида ўтказилиб келинмоқда. Келиннинг куёв уйига тантанали безалган никоҳ қарвонида (ҳозирда безатилган машиналарда), куй садолари остида жозибадор рақслар билан кириб келишидан иборат гўзал, қувончли маросим никоҳланаётган ёшлар хотирасида абадий қоладиган ажойиб воқеа ҳисобланиб, бу маросимларни эса таомларсиз

¹ Дала ёзувлари. Жалолова Марям.Ғиждувон тумани Тахтихон қишлоғи. 83 ёшли ҳожи буви

² Сафаров О., Маҳмудов М. Оила маънавияти.–Т.: Маънавият, 2009. –Б. 248 .

тасаввур этиб бўлмайди. Ҳар бир маросимда дастурхон безатилиб, таом тортилган. Пишириладиган таомлар мифалогик хусусиятга эга бўлиб, воҳа аҳолиси таомга солаётган ҳар бир масалликқа алоҳида эътибор қаратиб, пиширилиш анъанаси ва маданияти кўп асрлик тарихга эгадир¹. Маросим таомларимизни тайёрлашда гўшт ва донли экинлар муҳим аҳамият касб этиб, ўзининг лаззатлилиги, қувватлилиги ва сервитаминлиги билан ажралиб туради. Маросим бошлангандан то тугагунга қадар нон етакчи ўринда бўлган. Нон тайёрлаш ҳам пазандачиликда алоҳида ўрин тутди ва воҳада пиширилайётган, маросимларимизнинг кўрки бўлган “нони амири”, “Фатир, патир”² ларнинг донғи бутун дунёга тарқалган. Юртимизга турли даврларда ташриф буюрган саёҳатчи, элчи ёки савдогарлар ҳам саёҳат эсдалик/кундаликларида Бухоро воҳаси маросимлари ва уларда пишириладиган таомларни зўр қизиқиш билан кузатиб борган ва ҳодисани алоҳида қайд этиб ўтишган. Хусусан, ўз вақтида Россия империяси ва Совет иттифоқи даврида ҳам бизнинг ҳудудимиз турли соҳа тадқиқотчилари томонидан катта эътибор билан ўрганилган бўлиб, улар орасида турли дунёвий, диний маросим ва урф-одатлар, уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни, ижтимоий муносабатларга таъсири, маросим учун сарфланадиган ҳаражатлар, сарфлаш мақсади ва миқдори тўғрисидаги қимматли маълумотларни учратиш мумкин. Ҳозирга қадар сақланиб келаётган урф-одатлар халқимизнинг асрлар давомида юзага келган маданиятини, расм-русуми, урф-одати, анъаналари, маросимлари, турмуши ҳақида маълумот берувчи муҳим манба ҳисобланади. Шунинг учун уларни ўрганиш маълум бир илмий аҳамиятга эга. XX асрнинг 80-90 йилларида Марказий Осиё халқлари тарихи ва этнографияси билан шуғулланган таниқли тадқиқотчи – олимлардан Г.П. Снесарев, О.А. Сухарева, С.П. Поляков, К. Шониёзов, В.Н. Басилов, С.Н. Абашин ва бошқалар ҳам ўз тадқиқотларида халқимиз орасида ўтказилиб келинаётган бундай маросимларни баён этиб борганлар. Бундай тадқиқотлар халқимиз урф – одат, анъана ва қадриятларини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Ўзбеклар ўзига хос шаклланиш жараёнига эга бўлиб, бугун олдимизда турган асосий вазифа шу жараёнларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва ёш авлодга етказишдан иборатдир. Ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида қуйидагиларга эга бўлдик:

- Бухоро воҳаси аҳолиси урф – одатлари, маросимлари, анъаналарига оид материаллар тўплаш даври XIX асрда бошланганлиги аниқланди;

¹ Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари.–Т.: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007.– Б. – 276 .

² Фатир фақатгина тўй маросимида пиширилмаган. Хонадонга янги тандир қурилган вақтда қариндош аёллар, қўшни аёллар фатирнинг ҳамирини (фатир оширилмаган ҳамирга ёғ суртиб тайёрланади) тайёрлаб келиб, янги тандирга бирин – кетин пишириб олишган ва йиллар ўтган сайин бу ҳам бир маросим бўлиб қолган.

- мустақиллик сабабли шаклланиш жараёнининг негизи бўлган маданият, урф – одатлар, маросимлар, анъаналарни ўрганиш, қайта тиклаш учун кенг имкониятлар яратилди;
- юртимизнинг барча вилоятларида истиқомат қилиб келаётган халқларнинг миллий қадриятлари, анъаналарини ўрганиш янги босқичга кўтарилди;
- ўзбек этнографиясини ўрганишда илмий жиҳатдан диққатга сазовор бир қанча ишлар яратилиб, тадқиқотчи олим ва ўлкашунослар сафи кенгайди;
- дала тадқиқотлари олиб бориш, этнографик материаллар йиғиш, тўплаш ва таҳлил қилиш ишлари янада ривожланди.

МУНДАРИЖА

О.Х.Хамидов .“БУХОРО – ШАРҚ ДУРДОНАСИ” 3

**БУХОРО АРХЕОЛОГИЯСИ, ЭТНОГРАФИЯСИ ВА
ТОПОНИМИКАСИ 5**

Бобожонова С.У. БУХОРОДАГИ БИРИНЧИ ДОРИХОНА 5

Jumaeva N. BUXORO VONASI TOPONIMİKASI HAQIDA VA'ZI
MULOHAZALAR 7

Қорёғдиев З.О. БУХОРО ЛЎЛИЛАРИНИНГ ХЎЖАЛИК
МАШЎУЛОТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР 9

Қурбонова М., Норова Д. БУХОРО ДАРВЕШЛАРИНИНГ АНЪАНАВИЙ
ҲИРҚАСИ 13

Murtazoyeva N.J. THE ARCHEOLOGY, ETNOGRAPHY AND TOPONYMY
OF BUKHARA 16

Нафиддинова Х.Р. БУХОРО ШАҲРИДА НИКОҲ ТЎЙЛАРИ ВА
УЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ..... 19

Очилов А.Т. ҚИЗИЛҚИР ЁДГОРЛИГИНИНГ АРХЕОЛОГИК
АСОСЛАРИ 22

Samadov G.Z. BUXORO VONASI AHOLISINING KOSMOGONİK
TASAVVURLARI 25

Тўраев А.И. БУХОРО ВОҲАСИ ЧАНДИР ТУРКМАНЛАРИНИНГ ЭТНИК
ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР 28

Қурбонова М.Б., Умаров Б.Б. Н.А.КИСЛЯКОВ ТАРИХ-ЭТНОГРАФИЯ
МАКТАБИНИНГ ЙИРИК ВАКИЛИ 32

Хасанова Г.К., Раджабова Ш.Р. ИСТОРИЯ ЭТНОГРАФИИ АРХЕОЛОГИИ
БУХАРЫ..... 35

Юсупова М.Ў. БУХОРО ВОҲАСИ МАРОСИМЛАРИ ВА УЛАРИНИ
ЎРГАНИЛИШИ БЎЙИЧА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР 37

**БУХОРО ВОҲАСИДА ДАВЛАТЧИЛИК АСОСЛАРИ,
ШАҲАРСОЗЛИК, МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТ
МАСАЛАЛАРИ..... 41**

Alimova Sh.B. AMIR TEMUR VA MIRZO ULUG‘BEKNING BUXORODA
ILM-FAN VA MADANIYATNI RIVOJLANTIRISHDA QO‘SHGAN
HISSALARI 41

Бобожонова Ф.Х. БУХОРО МАДРАСАЛАРИНИНГ ЖАҲОНИЙ
ШУҲРАТИ 44

Бобоев Ф. БУХОРОДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИГА ҚАРШИ КУРАШ 47

Vaqoyev U. BUXORO AMIRLARINING SOG‘LIQNI SAQLASHGA OID
CHORA-TADBIRLARI..... 51